# СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ – СУВ ИСТЕЪМОЛИ ВА ИФЛОСЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАРНИ КАМАЙТИРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Сув ресурсларининг аста-секин чекланиб бориши занжирга айланган ҳолда жуда кўп муаммоларни келтириб чиқаради. Бу офат сабаб мамлакат сув танқислиги, тупроқ шўрланиши, экилаётган экинларнинг ҳосилдорлиги камайиб бориши, охир-оқибат эса озиқ-овқат етишмовчилиги билан юзлашади. Бундай қалтис вазиятдан чиқиб кетишнинг ягона йўли — тоза ичимлик сувидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик.
Сув сарфини камайтириш, ирригация тизимларини ислоҳ қилиш, технологик инновацияларни жорий этиш, оқилона режалаштириш ва бошқаришга қаратилган чора-тадбирлар – иқтисодий самараларга эришиш ва тармоқларнинг рақобатбардошлигини оширишга олиб келади.
Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти мудири туман Кенгаши депутати М.Хужанов